**Шашмақом!**

**Уни тинглаётиб дастлаб изтиробларни ҳис этасиз. Кўнгил қаърида тошдай чўкиб ётган армонлар вужудни титратаётгандай бўлади. Кейин эса... Чуқур ҳиссиётларнинг ғалаёни парвози сизга қанот бағишлайди. Куй замирида айтилмай қолган сўзларнинг, азиз ва ардоқли туйғуларнинг сеҳрли саси — оташ севгининг ёниқ тафти томирларингизга қуюлаётгандек туюлади. Шашмақомни шундай таъриф этмишлар: «Унда гўё ошиқларнинг кўз ёшлари каби қотиб қолган инжулар ярқираб, мангу жилоланиб тургандай...»**

**Беихтиёр ўйлай бошлайсан. Наҳот бу куй шунчалар сирли, шунчалар юракка яқин? Мақом куйларининг қуввати унинг илоҳийлигидамикин? Бу сеҳрбахш куй қачон яратилган?!**

УЧРАШУВ

# МАҚОМДА ОШИҚНИНГ ЁНИҚ ҚАЛБИ БОР

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ МУНОЖОТ ЙЎЛЧИЕВА ҲУЗУРИДА



— Манбаларда ёзилишича, Шашмақом (олти мақом) жуда қадим замонлардаёқ мавжуд бўлган экан, — дейди суҳбатдошим, мақом ашулаларининг беназир ижрочиси Муножот Йўлчиева. — Аммо даврлар ўтиб, мазмунига путур етмагани ҳолда яхлитлана борган. У дастлаб йигирма тўрт мақомдан иборат бўлган, кейинчалик ўн икки мақомга келтирилган. Бизнинг давримизда Шашмақом олти мақом ҳолида чуқур ўрганиляпти. Шу боисдан ҳам мақомлар миллий маданиятимизнинг пойдевори, халқимизнинг энг бой мероси.

Муножотхоннинг айтишича, мақомларни шунчаки эмас, балки тушуниб, ҳис этиб тингламоқ керак. Шундан аён бўладики, мақом оҳангларининг руҳиятимизга ижобий таъсири беқиёс. Мақомнинг кучи унинг теран фалсафасида. Сеҳрбахш қуввати эса ҳаётийлиги ва яшовчанлигида!

— Муножотхон, ашулачиликдаги ҳар бир муваффақиятингизни мухлислар яхши эслашади. Бу ютуқларнинг ҳар бири нафақат Ўзбекистонда, балки дунё мамлакатлари мумтоз ижрочилигида алоҳида ўрнингиз борлигини кўрсатади! Аслида ютуқларингиз сири нимада?

— Санъатнинг катта йўлига чиқиш учун иқтидор, изланиш ва меҳнатнинг ўзигина кифоя қилмайди. Кишини илгарига етакловчи "ички куч" ҳам бўлиши зарур. Устоз санъаткор Муҳаммаджон Мирзаев сабоқларини тинглаганим, бастакор Шавкат Мирзаев синфида таҳсил олганим, бу иккисининг чин устозлик меҳри мендаги "ички куч"ни йиллар давомида улғайтира борди. Овозни созлаш, талаффуз устида ишлаш, ғазал матнини қайта-қайта ўқиш, мазмунини тушуниш, сўз тугул, ҳар битта ҳарфнинг айтилиш қоидасига амал қилиш... Уларнинг бу талабчанлиги ўз самарасини берди, албатта. Мақомчиликда ижро мактабимни яратишимда устозимнинг ҳиссаси беқиёс.

**— Мақом усталари қолдирган меросга, сизнингча, қандай ёндашмоқ лозим?**

— Улуғ санъаткорларимиз мақом йўлидаги ашулаларни маромига етказиб ижро этишган. Уларни таҳрир этмоқликка ҳожат йўқ. Фақат қадимги ижро усулини сақлаган ҳолда ижодий ёндашиш лозим. Бу эса мақом ижодиёти ва ижрочилигига янги жараёнлар олиб киради.

**— Мумтоз ашулаларни ижро этаётган ёш хонандалар бу борада тўғри йўл тутаётганмикин? Сиз нима дейсиз?**

— Назаримда, мақомчи ёшлар ижрони қочиримлар билан бойитмоқчи бўлишади-да, соддаликка риоя қилиш кераклигини унутишади. Аслида, шу соддалик ичида мураккаблик бор, маҳорат бор, мактаб бор! Гоҳо бугунги ашулачилигимизда яшовчанлик, қўшиққа ўзни фидо этиш, уни бор ҳарорати билан тингловчини қалбига узатиш маҳорати маромига етказилмаётгандек туюлади. Мумтоз ашулалар бугун ўрганилиб, эртагаёқ саҳнага олиб чиқилаётган қўшиқлардан тубдан фарқ қилади. Уларни куйлашдан аввал қайта-қайта ўрганиш, мазмунини ва мусиқий фалсафасини чуқур тушуниш, ўзни руҳан тайёрлаш лозим.

**— Сиз ашула қилиб айтаётган ғазаллар мазмуни ниҳоятда теран, шундай эмасми? Матндаги сўзларни тушуниш осон кечмаса керак.**

— Ўзим ҳам шу ҳақда гапирмоқчи эдим. Мумтоз шеъриятнинг маъно-моҳиятини англаб боришимда илгарилари улуғ санъаткор Муҳаммаджон Мирзаев жон куйдирган бўлсалар, кейинчалик бу борада устозим Шавкат Мирзаевнинг саъй-ҳаракатлари самара берди. Қолаверса, навоийшунос олима Суйима Ғаниева билан кўп мулоқотда бўламан. Навоий, Фузулий, Машраб, Нодира, Фурқат, Хазиний, Гадоий, Абдулла Ориф шеър ва ғазалларини ашула қилиб айтганман. Уларнинг ижодини ўрганаман, ғазалларидаги куч ва ҳароратни овозим орқали одамларга етказишга ҳаракат қиламан.

**— Хорижий давлатларнинг катта саҳналарида ҳам куйлагансиз...**

— Ҳа, улар бизнинг миллий мусиқаларимизга ўзгача меҳр билан қарашади. Мақом ашулаларимизни кўзларини юмиб, бош тебратганча ҳузур қилиб эшитишади. Айниқса, Франция, Америка, Германия, Италия, Иордания, Бразилия, Швейцария, Марокашда бўлган чоғларимизда бу нарсани яққол ҳис этдик. Минглаб томошабинлар нигоҳида чуқур ҳаяжонни кўриб ўзим ҳам ажабландим. Биз бир-биримизни тил билан эмас, дил билан англадик, ўшанда. Демак, юксак ижронинг таъсир қуввати бир хил, у қай тилда куйланмасин, барибир, ўз тингловчисини сеҳрлайди.

**— Муножотхон, ЮНЕСКОнинг "Инсониятнинг оғзаки ва маънавий мероси дурдоналари" ҳайъати аъзоси эканлигингизни биламиз. Марказий Осиё давлатлари ичида фақат сизнинг номзодингиз танлаб олинганида фахрланганмиз. Бу борадаги ишларингиз қандай кетаяпти?**

— Ҳайъатнинг Америка, Япония, Франция, Корея, Хитой каби мамлакатлардан ўн саккиз нафар аъзоси бор. Биз режа асосида икки йилда бир марта Парижда тўпланиб, дунё халқларининг ноёб маданий ёдгорликларини сақлаш ва уларни умумбашарий дурдона деб эълон қилиш учун тақдим этилган номзодлик ҳужжатларини муҳокамадан ўтказамиз. 2001 йили 33 та давлат томонидан тақдим этилган асарларнинг 19 таси қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистондан "Бойсун тумани маданий мероси" ҳам кўрсатиб ўтилганди. 2003 йили Бойсунда халқ мероси ва фолклор санъатини сақлаб қолиш мақсадида ЮНЕСКО томонидан маблағлар ажратилди. "Бойсун баҳори" халқаро фестивали анъанавий тусга кирди. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан қувонаман, албатта. Ўтган йили эса "Шашмақом" номзоди ҳам тавсия этилганди. Барча халқаро ҳайъат аъзолари томонидан "Шашмақом" — инсониятнинг ноёб маданий дурдонаси" сифатида баҳоланди. Бойсун ва "Шашмақом" ҳужжатларини тайёрлашда Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари, маданиятшунослар ва бошқа мутахассислар иштирок этишган. "Ўзбектелефилм" студияси махсус видеофилм яратган.

Ҳозирги кунда Бойсун маданий мероси ва Шашмақомни келгуси авлодларга тўла-тўкис етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш учун Ўзбекистон ҳукумати ЮНЕСКО билан ҳамкорликда узоқ муддатли лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда.

**— Зиммангизда жамоат юмушлари, санъаткорлик масъулияти, аёллик ва бекалик бурчлари... Буларнинг ҳаммасига қандай улгурасиз?**

— Мен учун вақт жуда қиммат. Тўғри, имконият топишнинг ўзи бўлмайди. Бу борада санъаткорлик бурчим, устозимнинг талабчанлиги, қолаверса, қатъиятлигим кўпинча иш беради.

**— Қандай кишиларни қадрлайсиз?**

— Ўз сўзида тура оладиган, ҳар қандай вазиятда қарорини ўзгартирмайдиган кишиларни ёқтираман. Лоқайд кимсаларни кечирмайман!

**— Мухлисларингиз оилангиз ҳақида билишни исташади.**

— Умр йўлдошим Ҳурматилло Бўриев Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлайдилар. Фарзандларимиз — Музаффар 15 ёшда, Шуҳратбек 10 ёшда, мактабда ўқишади. Чарчаган кезларимда оиламдан куч оламан, умр йўлдошим ва фарзандларимнинг меҳри мени доимо ижод сари илҳомлантиради.

Кўҳна ёзувларда баён этилишича, Шарқ олимлари куй ва ашуланинг нафсга (руҳга) таъсирини учга бўлиб ўрганишган. Қувноқ, ҳазин ва кишини хаёлга толдиргувчи куйлар. Қувноқ мусиқалардан тингловчининг эҳтирослари жўш уради. Ҳазин мусиқалар таъсирида эса изтироблар юзага чиқади, руҳ енгил тортади. Ўйга чўмдирувчи куй ва ашулалардан киши сукутда қолади, ўтган умрига назар ташлайди, ҳаёт ҳақида чуқурроқ ўйлай бошлайди. Шу аснода тафаккури теранлашади, ақл фалсафаси ғолиб чиқади. Мусиқа — руҳ тарбиячиси, деб бежиз айтмайдилар. Мумтоз қўшиқлар замиридаги фусункор нолалар асабларни тинчлантиради, дегувчилар ҳам ҳақ.

*Муножотхоннинг таъкидлашича, куйловчининг бор ҳис-ҳаяжони тингловчи вужудига кўчсагина хонанданинг муроди ҳосил бўлади. Демак, ўртада куйлаш маҳорати деган масъулиятли тушунча ҳам бор. Куйловчи ва тингловчини боғлайдиган кўприк бу! Бизнингча, Муножотхон шундай маҳорат эгаси.*

*Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси Муножот Йўлчиевага мақом санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси учун "Эл-юрт ҳурмати" ордени берилган эди. Истиқлолимизнинг ўн уч йиллиги байрами арафасида эса у ҳукуматимизнинг яна бир мукофоти — "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди! Ардоқли хонандамизни юксак мукофот билан муборакбод этамиз.*

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

# СУРАТЛАРДАГИ СОКИНЛИК

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

Ғофир Қодиров замонавий ўзбек тасвирий санъатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири. Унинг ижоди XX асрнинг 80 — 90-йилларида Ўзбекистон санъатида ёрқин саҳифа очди.

Узоқ изланиш ва топилмалари натижасида реализм услуби мусаввир ижодида янги қирралари билан намоён бўлди. Асарларида ўзгача пластик ечим, кўп асрлик Шарқ тасвирий санъатининг замонавий талқини кўзга ташланди. Рассом асарларидаги инсон гўзаллиги, унинг руҳияти, ҳис-туйғуларининг рўй-рост талқини, ҳатто тасвирий санъатдан йироқ кишиларни ҳам ўзига тортади. Албатта, бу ижодкорнинг тинимсиз меҳнати ва заҳмати самараси.



Ғофир Қодиров Тошкентда туғилган. Унинг истеъдодини сезган ота-онаси тасвирий санъат тўгарагига олиб бордилар. Бўлажак мусаввир илк ижодий кўникмаларини шу ерда ҳосил қилди. Рассомчилик санъати сир-асрорларини қунт билан ўрганиш мақсадида 1974 — 78-йиллари П.Бенков номидаги билим юртида, 1978 — 84-йиллари эса В.И.Суриков номидаги Москва давлат рассомчилик институтининг маҳобатли рангтасвир бўлимида таҳсил олди.

Йиллар ўтгани сайин маҳорати ошиб, истеъдоди сайқаллана борган мусаввир турли халқаро кўргазмаларда иштирок эта бошлади. Айниқса, 1991 йили Парижда ўтказилган шахсий кўргазмаси унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ғофир ўзбек рассомчилик мактаби вакилларининг Ғарбдаги қалдирғочларидан эди. Париж — жаҳон санъати пойтахтининг кўплаб масофага чўзилган галерея ва бадиий салонлардан иборат булварлари, бутун бошли даҳалари рассом кўз ўнгида ажиб бир манзара очди. Бу галереяларда классицизмдан тортиб ўта замонавий оқимгача бўлган ижод намуналарини кўриш мумкин эди. Ана шу мўъжизалар рассом қалбида чуқур из қолдирди.

Ғофир Қодировнинг асарларини кузата туриб, уларнинг аксариятида ажиб бир сокинликни ҳис этиш мумкин. Асарлар сизни гоҳ узоқ мозийга чорласа, гоҳ инсониятнинг гўзал анъаналаридан сўзлайди. Айтайлик, мойбўёқда чизилган «Хотира» картинасида инсон хотираси ўзига хос фалсафий тарзда тасвирланган. Зеро, ҳар бир инсон умри мобайнида хотираси билан яшайди, хотира гўё қушдек учади, ширин хаёлга ўхшайди. Инсон ўтган кунларини соғиниб яшайди, демак, хотира ҳамиша абадий, абадийлигича қолади.

Мойбўёқда чизилган «Юнусобод» суратида шаҳримиз даҳаларидан бири тасвирга олинган. Юнусободда кун ботиши, сокин кўчалар, баланд бинолар ранглар жилоси билан тасвирланганки, беихтиёр унинг ҳақиқий қиёфаси кўз олдингизда жонланади. «Урганч», «Қўриқловчи» асарлари ҳам, умуман, барча суратлари нимаси биландир кишини ўзига тортади, уни томоша қилган мухлисни бефарқ қолдирмайди.

Мусаввир ўзи яратган ранглар оламини донишмандларча акс эттиради. Рассом асарлари ўқувчини эзгуликка, ватанни эъзозлашга, ўзаро муҳаббатли бўлишга чақиради ва гўзаллик сари етаклайди. Ғофир Қодировнинг асарлари мамлакатимизда, қолаверса, хорижий мамлакатларнинг шахсий коллекцияларида сақланади.

Табиатан камтар, жиддий ва очиқкўнгил мусаввир ижод олами бундан буён ҳам мухлисларни ўзи томон чорлаб қолади, деб ўйлаймиз.

**Хуршид ОРИПОВ,**
**консерваториянинг катта ўқитувчиси**

ЯНГИ МАВСУМ

# ЁШЛАР ТЕАТРИ: ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Ёзги таътилдан қайтган Ўзбекистон Ёшлар театри янги мавсумни 16 сентябр куни «From Uz» рок-гуруҳи билан ҳамкорликда «Қабоҳат тузоғи — XXI» пластик шоу-спектаклининг янги талқинидаги премераси билан очади.

Бугунги кунга келиб «қора вабо» сайёрамизнинг ҳар бир бурчагида чуқур жойлашиб, инсонлар келажагини барбод этишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Ёшлар театри «Қабоҳат тузоғи — XXI» пластик шоу-спектакли билан ёшларнинг келажакда баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам бериш ва уларни «қора вабо» балосидан асрашни мақсад қилиб қўйган.

Мазкур спектаклда Инжилдаги Лут ривояти замонавий талқинда тақдим этилади. Унда Лут замонамизнинг истеъдодли созандаси, ёруғ қалбли инсон сифатида гавдаланиб, унинг гиёҳвандликка дучор бўлган ёшларни қабоҳат тузоғидан қайтариш ниятида Иблис билан тортишуви намойиш қилинади.

— Мазкур спектакл 2005 йили бўлиб ўтадиган Чехов номидаги Халқаро театр фестивали дастурига расман киритилган бўлиб, дастлаб Москвада, А.Пушкин театри саҳнасида намойиш этилади, — дейди театр бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдураҳмонов. — Спектакл муаллифи Жалол Юсупов. Актёр, режиссёр, бастакор ва оранжировкачи Альберт Халмурзаевнинг «Қабоҳат тузоғи — XXI» пластик спектаклига басталаган замонавий прогрессив-рок усулидаги мусиқаси саундтрек сифатида Францияда, СД-дискда нашр этилган.

Роллар тақсимланишига келсак, битта образни жамоамиздаги ҳамма актёрлар жонлантириб кўришади. Масалан, Умар Хайёмни ҳамма актёрлар ижро этиб кўрганлар. Биз энг яхши ижрони танлаб оламиз. Актёр саҳнада ўз ролини қойил қилиб ўйнаса, бу — бизнинг ютуғимиз, — дейди театр раҳбари.

Жамоа, шунингдек, «Орзужон ва Қамбаржон» спектакли устидаги ишларни ниҳоясига етказиб қолди. Ўзбек халқ эртаклари мотивлари асосидаги мазкур томошани Н.Абдураҳмонов раҳбарлигида ёш режиссёр Гўзал Сулаймонова саҳнага қўйяпти. Томошада таниқли хонанда Равшан Намозов ижросидаги қўшиқлар мусиқаларидан унумли фойдаланилган.

Театр актёрлари шу йил 17 — 24 октябр кунлари Москвада ўтадиган ижодий сафарга ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Москвадаги Театр марказида намойиш этиладиган томошалар мухлисларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

**Ўз ахборотимиз**

АКС-САДО

# МУҲИМИ — МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШ

Газетанинг шу йил 23 июл сонида таниқли хонандалар Равшан Комилов ва Шаҳнозабонуга берилган лицензиялар қайтариб олингани ҳақидаги хабарга кўзим тушиб ҳайрон қолдим.

Наҳотки, бир неча йиллардан буён ўз қўшиқлари билан мухлислар қалбига йўл топиб келаётган бу хонандалар ижодга шундай енгил-елпи муносабатда бўлишга йўл қўйган бўлсалар. Элнинг назарида бўлган, ўзига яраша обрў-эътибор орттирган хонанданинг, менимча, палапартишликка йўл қўйишга ҳаққи йўқ. Зеро, у саҳнага ҳам, радио-телевидениега ҳам шунчаки чиқмайди, балки ўзбек қўшиқчилик санъатининг бир вакили, бу санъат тарғиботчиси сифатида томошабин кўз ўнгида намоён бўлади.

Бу ҳол, назаримда, ҳар бир санъат кишисининг диққат-эътиборида туриши лозим. Чунки эл-юрт ишончи, муҳаббати унинг зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Бу масъулият юкини тортиш учун эса, шубҳасиз, кишилар маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган, узоқ йиллар мухлислар қалбида яшашга қодир бўлган мағзи тўқ, бадиий мукаммал қўшиқлар яратиш йўлида изланиш лозим.

Ўйлайманки, бу воқеа бошқа хонандалар учун ҳам сабоқ бўлади. Тажрибали ижрочилар ҳам, ёшлар ҳам ўз репертуарларини бир назардан ўтказиб оладилар, иложи борича замонлар ўтган сари сайқал топиб, моҳиятини йўқотмайдиган қўшиқлар яратишга ҳаракат қиладилар, деган умиддаман.

**Зуҳра САФОЕВА,**
**тиббиёт билим юрти ўқитувчиси**

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ФИЛМ!

# «ХАВФЛИ БУРИЛИШ»

Алишер Навоий номидаги санъат саройида яна бир янги филм намойиши бошланди. «Хавфли бурилиш» деб номланган бу кинокомедияни Жаҳонгир Позилжонов сценарийси асосида режиссёр Мирмаҳсуд Охунов бошчилигидаги ижодий гуруҳ суратга олган. Мазкур кино асар режиссёр ҳамда оператор (Рустам Муродов)нинг илк ишлари бўлиб, унга Абдураҳмон Позилжонов директорлик ва продюсерлик қилган.

Ёш йигит-қизлар ўртасидаги ўзаро инсоний ва ишқий муносабатлар ҳақида юморга бой воқеалар орқали ҳикоя қилинган мазкур филмда асосий ролларни Мурод Ражабов, Дилбар Икромова, Равшан Солиҳов, Гулчеҳра Носирова каби таниқли актёрлар билан бирга, Равшан Собиров, Ситора Фармонова, Жаҳонгир Позилжонов, Ботир Имомхўжаев каби ёш актёрлар ижро этганлар.

Мазкур филм учун ёзилган қўшиқларни Равшан Собиров ва Шаҳзода куйлаган.

**Диана ОҚБЎТАЕВА**



*Суратда: шу филмдан лавҳа.*

# ЁҚУБ ИЗҚУВАРНИНГ ҲИЙЛАСИ

**Боши учинчи бетда.**

Тежамли-сарамжон бўлиш айб эмас, лекин тўрт қадоқ гўштнинг нархини келишгунича қассоб билан қарийб ёқа бўғишишдан тоймайдиган қайнона ёки қайнота ҳадемай ошхонасига, рўзғорига бекалик қиладиган келинчакни не кўйларга соларкин?.. Келин шўрлик тежамнинг кўчасидан ўтмаган, ўз уйида мисқоллаб эмас, ботмонлаб сарфлашга одатланган бўлса-чи?

Бир замон («тенг-тенги билан, тезак қопи билан» деган мақолнамо гап) юрарди, ҳозир унутилиб кетди. Заргарнинг қизини заргарга, қассобнинг қизини қассобга бер, дейди халқ. Одамларнинг оғзидан чиққан гапга қарасангиз — бирибиридан доно, ўзи қуда-андачилик қиладиган пайт келганда эса одамни одамдан фарқига бормай довдирайди.

Ёқуб тўрам қайнамалик дўмбоқ йигитдан манзилини, касб-корини аниқлаштириб олди.

— Ҳовлимиз баланд кўприкнинг ёнгинасида, Долим дўхтир десангиз ҳамма танийди, — деди дўмбоқ йигит.

— Касблари дўхтирликми? — деб суриштирди Ёқуб тўрам.

Долим дўхтир кулимсиради.

— Асли шифокор эдик, яқин саккиз-тўққиз йилдан буёғига... замонавий ҳунарлардан насибамизни териб юрибмиз, отахон, — деди.

Орадан уч-тўрт кун ўтказиб, Долим дўхтир яна келди. Ёқуб тўрам жуда банд одам қиёфасида салом-аликни мухтасар қила туриб, "Дўхтирликдан нон тополмаган-да, ўзини замонавий ҳунарга урган", деди хаёлан.

— У томон шошириб қўймаяпти, амаки, — деди Долим дўхтир.

— Қизи борнинг — нози бор, галга солинг, — насиҳат қилди Ёқуб тўрам.

Яна уч кун ўтди, шом қоронғисида Долим дўхтир яна эшик қоқиб келди. Ёқуб тўрамнинг аёли чиқиб, у киши йўғидилар, уч-тўрт кунда келиб қоладилар, деб жавоб қилди. Долим дўхтирнинг назарида Ёқуб отанинг аёли совуқроқ муомала қилганга ўхшади. Ёқуб тўрамнинг чўнтагига солиб қўйган элликталикни эслаб, "Камлик қилмадимикан?" деб хавотирланди.

Ёқуб тўрам бирортасига шунча берасан демади, демайди ҳам. Ишлаб юрган кезлари икки ойда, беш ойда... бир йилда олган маошидан ошириб берганлар бўлди, лекин у пулнинг бетига, қайси давлатнинг пули эканига қарамади, илтимосни адо этиш учун астойдил елиб-югурди. Бир сафар қотмадан келган, сочлари кумушдай оқ кампир келиб, фалон-фалончидан қиз олмоқчи эдик, ўшаларнинг уй ичини билиб беринг, ука, деб қистовга олди. Ёқуб тўрам харчанд тушунтирмасин, кампир қўймади. Тўсатдан, "Йўл кўрасизми?" деб қолди-ю!

— Қанақа йўл? — ажабланди Ёқуб тўрам.

Кампир дангалчи экан.

— Эшитдим, оповси, бир ғалтак оқ, бир ғалтак қора ипни чувалатиб ташлаб, йўл кўрасиз экан. Шунга ўн кун, ўн беш кун кетадими, айланай? Мана, ўзим ола келдим, хўп денг, жон ука.

Кампир шундай деб Ёқуб тўрамнинг қўлига икки ғалтак ип тутқазди, Ёқуб тўрам мириқиб кулди.

Кулишга куладику-я, лекин... Ёқуб тўрам Шокаримнинг изини олгунича ҳафта ичи қанча йўл пойлади, қанча хуноби ошди — ўзига аён. Одамлар одатда яшаш жойига яқин бозор-гузардан рўзғорлик қилгувчи эди, ҳозир ундай эмас, унча-мунча бозорга қадам босишни ўзига эп кўрмайдиганлар пайдо бўлди — "Олай"га боради, "Олай"ни-да назари илмай, ажнабийлар расмга айлантираётган минг турли ноз-неъмат тўла дўконга танда қўядиганлар кўпайди.

Ёқуб тўрам икки тенгқур болакай "инъом" этган маълумотдан хулоса чиқаришда янглишмади — Шокаримнинг уйидагилар рўзғорни "Олой" бозоридан, камига "Унур" дўконидан қилади. Тахмини амалга ошиб, изқуварлик амалининг бир ҳафталик бесамар изғишларидан обдон тинкаси қуриган кунларнинг бирида у "Олой" бозорининг дарвозаларидан бирига кираверишдаги сомсахона ёнида аёли ва неварасини эргаштириб бораётган Шокаримга илашди. Эр-хотин ва неваранинг раста оралаб қадам олишининг ўзида димоғфироғ, кибр ва дасти дарозлик сиёқи сезилиб турарди. Ёқуб тўрам улардан дам атайин ортда қолар, дам жуда яқин келиб қолар, бирон нарса харид қилиш юзасидан савдо қизиган пайтда эса Шокаримнинг муомаласи қандай, бўлғуси қайнонанинг тили-жағи қанақа — биронтасини эшитмай қўймади. Эр-хотин аввал картошка, сабзи, пиёз харид қилишди, сўнг харажат хўл мева раста қаторида давом этди. Шокарим нархнаво юзасидан тортишмай, кўзига кўринган олмафуруш мўйсафидга, уч кило тортинг, деб юборди. Хотини, шошманг, адаси, наригисиниям кўрайлик, деб пишай деган савдони тўхтатди. Шокарим "тортаверинг" деган маънода олмафуруш мўйсафидга имо қилганди, хотини, "мен бундай олма емайман" деб оёғини тираб туриб олди. Шокарим аёлининг серпардоз юзидаги таманно аломатини кўрган заҳоти олма харид қилиш шаштидан тушди.

— Жа, бойваччалик қилмай, сал савдолашсангиз бўлмайдими?!

Шокаримнинг хотини заҳрини сочиб эрига вишиллади, бу гапни, гапнинг оҳангини Ёқуб тўрам аниқ эшитди. Шокарим шу савлатига хотинидан паст келганини ҳам сезди. Боя пиёз харид қилиш чоғида ҳам эр хотиннинг измида эканини тасдиқловчи аломат сезилди. Шокаримнинг имоси билан тарози палласидаги тоғора тўлдирилган пиёз қайта жойига тўкилди.

— Арчишгаям, тўғрашгаям қулай-да, — деди Шокарим сотувчининг олдида изза бўлишдан ийманмай-нетмай.

— Атайин арчишгаям, тўғрашгаям қулай бўлмаганидан олинг! Жа, талтайтириб юбордиз, ўша суюкли келиниззи! Уйига кириб кетганича кун бўйи қорасини кўрсатмайди. Бир маҳал овқат қилганда арчса арчибди-да! Майдароғидан олинг, гап тамом!

Хотинининг дағдағасидан ўнғайсизланган Шокарим пича нарида бепарво турган неварасига ишора қилди. Лекин хотинининг сўзини икки қилмади.

Ана шу йўл-йўлакай "гурунг"нинг ўзиёқ Ёқуб тўрам бир дунё хулоса чиқариши учун кифоя эди. У кун бўйи қорасини кўрсатмай уйида ўтирадиган келиннинг аҳволини, унинг бу қайнона билан муомаласини тасаввур қилишга уринди. Дўмбоқбойнинг лўппигина юзли, хушбичим мўйлабли чеҳраси кўз олдига келди.

Шокарим харид қилинган нарсаларни темир аравачага орттириб, уни тортиб бораётган ўспиринга йўл бошлаб кўчага юрди. Юкларни япон автоуловига ортатуриб хотинига, "Унур"гаям кириб ўтамиз" деди. Ёқуб тўрам Шокаримнинг невараси кўтариб чиққан қоғоз қути ичида "Унур"дан бошқа жойда топилмайдиган, сотилмайдиган қимматбаҳо яхна шарбатлардан, ноёб ширинликлардан бўшаган ялтироқ идишчаларни кўз олдига келтирди.

Нимаики кўрган, кузатган бўлса, уларнинг баридан чиқадиган хулосанинг лўндасини, яна қўшимча мулоҳазаларини Долим дўхтирга айтди:

— Шокарим ўзига тўқ, бағри кенг йигит кўринади. Кундалик рўзғорини танлаб-танлаб, чертиб-чертиб ўтказадиган одамлар келинни ҳам минг чиғириқдан ўтказиб, асилини танлаган-да!

Долим дўхтир оғзининг таноби қочиб мамнун жилмайди. Ёқуб тўрам давом этди:

— Келин бўлмиш қизимиз қайнона билан тил топиша олса олам гулистон... Қолган жиҳатларида... тенглик, ука.

Долим дўхтир ҳаяжонда Ёқуб тўрамнинг сўнгги сўзларига эътибор қилмади. Мушт қилган қўлини Ёқуб тўрамнинг киссаси томон чўзди. Ёқуб тўрам астойдил ўзини олиб қочди.

— Тўй бўлсин, — дея яхши ният қилди у. Хайрлашишди. Хотиржам тортган Долим дўхтир зипиллаб бориб мошинасига минди. Бош ирғаб, жўнади-кетди.

Ёқуб тўрамнинг юраги увишди. Бир кишининг эмас, бутун бир оила аъзоларининг рўзғордаги феъл-атворини билиш осонми? Кимнинг ётиш-туриши қандай? Рўзғор тутишлар, сарф-харажатга муносабатлар? Озодалиги, кирчири, овқатланиши... ҳазил-мутойибаси, ғазабию меҳр-шафқати, инжиқлиги... шуларнинг барини бир-икки дафъа бозордаги олди-сотди устида кузатиш билан аниқлаш кифоямикан? Шу йўл билан чиқарган тахминлари билан у ҳозирча нималардир қилиб юрибди, мабодо бу ҳам иш бермай, аксинча панд бериб қолса-чи?.. Одамларнинг туриш-турмушдаги асл афтбашарасини хуфёна йўллар билан, яъни ҳеч кимга сездирмай, дилини оғритмай билиш: аниқлаш чоралари бордир? Ёқуб тўрамнинг янгичароқ ишлаган калласига келмаган яна, ким билсин, қанча ҳадислари бор, бунинг?! Ҳар қалай, одам мияни бошқачароқ ишлатса йўли топилмайдиган жумбоқ йўқ дейишади.

Ёқуб тўрам зиммасига олиб қўйган яна икки илтимосни адо этишни хаёлан режалаштирганича бир-бир юриб, уйи томон йўналди...

**P.S.** Шом қоронғиси тушди. Ёқуб тўрам Қайнамадан ҳам олисроқдаги маҳалладан суриштириб келган мўйсафиднинг ўтинчини адо этишни чамалаб ўтирган эди, эшик қўнғироғи жиринглади. Ёқуб тўрам одатдагидан-да оғриниб, истар-истамас кўчага чиқди. Ғира-ширада дарвоза бўсағасида қўл қовуштириб турган басавлатгина нотаниш кишининг сохт-сумбатига, сўнг бетига қаради-ю, туйқус тўхтаб қолди. Кўнглининг бир чеккасидан кўлага солиб ўтган хавотирдан тиззасига қалтироқ югурди.

Унинг рўпарасида турган киши — Шокарим эди!

"Айтмадимми?! Наҳотки, қовун туширган бўлсам?! Қаттан уйимни топиб келди бу? Нима ниятда келди?.. Нима қилиб, изимни пойлаб юрибсан, искович, деса нима дейман?! Шу пайтгача бирор жўяли важ топиб қўймаганимни! Ҳе, хомкалла!"

— К-кесинлар, и-ичкарига кирсинлар, — дея олди Ёқуб тўрам қалтираб.

Қалтираб шундай дедию, ўша заҳоти хавотири ариди. Чунки Шокарим одатдаги илтимос билан келувчилар оҳангида муддаога кўчди:

— Ўзларидан қолар гап йўқ, оқсоқол, — деди у илтимосим ерда қолмас, деган таъкид оҳангида қатъият билан. — Кенжамизни уйлантирадиганмиз. Аёлларимиз қайнамалик Долим дўхтир деганнинг қизини кўриб келишибди. Ўша оилани...

Ёқуб тўрам гапнинг давомига қулоқ солмади. Шокарим яна нималардир деди-да, гап орасида Ёқуб тўрамнинг кафтига икки букланган қоғозни қистирди. Ёқуб тўрам шошиб қолдими ёхуд бояги хавотири ариб улгурмаганмиди "чурқ" этмади. Ширинкомани қайтаришга ботинмади.

— Уч-тўрт кунда хабар олсам бўлар-а, ока? Суриштириб қўясиз-да.

Ёқуб тўрам Шокаримнинг мошинаси узоқлашаётгандагина ҳушини йиғди. Бунақаси бўлмаган эди!.. Қайнамалик Долим дўхтирнинг қизи... Оиласи... Кафтини очди. Долим дўхтир чўнтагига солиб кетган хилидан, фақат ундан икки ҳисса кўп. Яхлит юзталик.

Ёқуб тўрам тиржайди, қиқирлади, кулди, хо-холаб юбормаслик учун лабини тишлади. Долим дўхтир дастлаб келиб кетганидан буён орада ўтган кунлар асносида у аввал Шокаримни, сўнг... Долим дўхтирнинг ўзини, оила аъзоларининг бозор-ўчар қилиш чоғида изидан тушган, шу тахлит уларни ҳам зимдан ўрганиб улгурган эди...

